

“ \_\_\_\_\_ ” АЖ/МЧЖ ва “ \_\_\_\_\_ ”  
АЖ/МЧЖ ўртасида табиий газ олди-сотди шартномаси

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 202\_ йил № \_\_\_\_\_ Тошкент ш.

“ \_\_\_\_\_ ” АЖ/МЧЖ (кейинчалик “Сотувчи” деб аталади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Бошқарув раиси \_\_\_\_\_, “ \_\_\_\_\_ ” АЖ/МЧЖ (кейинчалик “Харидор” деб аталади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Бошқарув раиси \_\_\_\_\_, иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-280-сонли “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ушбу Шартномани куйидагилар ҳақида имзоладилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўз зиммасига “ \_\_\_\_\_ ” АЖ/МЧЖ (кейинги ўринларда - Газ ташувчи деб аталади) газ тармоқлари орқали Харидорга мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган шартларда табиий газни (кейинги ўринларда маҳсулот деб аталади) сотиш мажбуриятини олади. Харидор эса ўз зиммасига Сотувчи томонидан ушбу ҳажмда харид қилинган маҳсулотни қабул қилиш ҳамда маҳсулот учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланган нархлар бўйича ўз муддатида амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. Сотувчи маҳсулотни Харидорга фақатгина бўлиниш чегарасида газни ҳисобга олиш приборлари (кейинги ўринларда ўлчаш мосламалари деб аталади) мавжуд бўлгандагина Газ ташувчининг мазкур шартноманинг 1-иловасида келтирилган газ тақсимлаш станциялари (ГТС) орқали сотади.

1.3. Харидор Сотувчига тасдиқланган меъёрларга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори 2-Иловаси билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 6-банди) асосан келгуси йилда маҳсулотга бўлган асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Харидор ҳар ойнинг 25 санасига қадар Сотувчига келгуси ҳисобот ойда ГТСлар кесимида етказиб берилиши лозим бўладиган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги талабномани тақдим этади

1.4. Сотувчи 20 \_\_\_\_\_ йилнинг январь-декабрь ойларида Харидорга жами \_\_\_\_\_ млн.куб.метр маҳсулотни талабномага мувофиқ Газ ташувчи томонидан техник шартлар ёки технологик регламент билан белгиланган параметрлардан кам бўлмаган босим ва ҳажмда сотилишини таъминлайди.

Газ нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан белгиланган бўлиб \_\_\_\_\_

млн. сўмни ташкил қилади, газ ҳажмлари чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I-чорак, январь \_\_\_млн. куб метр; февраль \_\_\_млн. куб метр; март \_\_\_млн. куб метр;

II-чорак, апрель \_\_\_млн. куб метр; май \_\_\_млн. куб метр; июнь \_\_\_млн. куб метр;

III-чорак, июль \_\_\_млн. куб метр; август \_\_\_млн. куб метр; сентябрь \_\_\_млн. куб метр,

IV-чорак, октябрь \_\_\_млн. куб метр; ноябрь \_\_\_млн. куб метр; декабрь \_\_\_млн. куб метр,

1.5. Сотувчи Харидорнинг келгуси ой учун кутилаётган ўзгариш тўғрисидаги аризасини тасдиқланган ресурслар баланси ва табиий газ тақсимотиға мувофиқ ажратилган ҳажмлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

1.6. Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори 2-Иловаси билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш Қоидалари” талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Тарафлар шартнома шартларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

## II. МАҲСУЛОТНИ СОТИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Сотувчи Харидорга шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатларда ҳажм ва босимда, ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ маҳсулотни сотиш мажбуриятини олади.

2.2. Харидор, Газ ташувчидан, ушбу шартноманинг 1.4-бандига асосан ҳар бир ой учун белгиланган ҳажмдаги маҳсулотни қабул қилиб олади, шунингдек, 4.4-бандига асосан маҳсулот етказиб бериш - қабул қилиш далолатномасини уч нусхада имзолайди ва бир нусхасини Сотувчига тақдим қилади.

2.3. Сотувчи Харидорга Газ ташувчи ташкилот томонидан маҳсулотни етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ҳамда шартлари ўзгариши тўғрисида 3 сутка олдин қайд қилинган хабарномани мавжуд усуллар орқали маълум қилиши шарт.

2.4. Маҳсулот (товар) ишлаб чиқарувчиларда, Газ ташувчининг магистрал ва тақсимловчи газ қувурлари ишида, технологик режим бузилишлари, авария ҳолатлари юзага келганлиги ҳақида Газ ташувчидан олинган маълумотлар асосида Сотувчи Харидорга маҳсулот етказиб бериш камайтирилганлиги ёки тўхтатилганлиги тўғрисида тезкор хабардор қилади.

2.5. Сотувчи ёки Харидор тўлов реквизитлари ўзгарган тақдирда улар дарҳол бу ҳақда бир бирларини хабардор қилишлари лозим.

2.6. Маҳсулотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг ягона ажралмас технологик

жараёнини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи, транспортировка қилувчи корхоналарнинг ва Сотувчининг амалдаги қонунчилик талабларига мос бўлган кўрсатмалари Харидор томонидан бажарилади.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН МАҲСУЛОТНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

3.1. Маҳсулотни ҳисобга олмасдан сотишга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган маҳсулот миқдори Газ ташувчининг магистрал газ тармоқларининг 1-Иловада келтирилган газ тақсимлаш станцияларидан чиқиш қувурларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари ёки ўлчаш комплекси кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда Газ ташувчи ва Харидор томондан имзоланадиган маҳсулотни етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан уч нусхада расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Газ ташувчи ва Харидор ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниш нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ёки ўлчаш комплекси ўрнатилиши шарт.

3.3. Сотилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб стандарт шартларга нисбатан газ ҳажмини – куб метрларга келтирган ҳолда ( $T = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760$  мм симоб устуни ҳисобида) амалга оширилади.

3.4. Газ ташувчининг ёки Харидорнинг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари, уларни ўрнатиш ва ишлатиш, амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.5. Газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини давлат қиёсловидан ўтказиш метрология хизмати органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари томонлар билан келишилади.

3.6. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича Сотувчи, Газ ташувчи ва Харидорларнинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.7. Газнинг физик-кимёвий параметрлари стандарт шароитдаги зичлик, азот ( $\text{N}_2$ ) ва углерод диоксида ( $\text{CO}_2$ ) Стандарт торайтирувчи қурилмалар асосидаги ўлчов комплексларининг конфигурациясига киритилади.

Газ ташувчи ҳисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни

12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. маҳсулот таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун назорат Сотувчи зиммасида бўлади.

3.8. Сотувчи Газ ташувчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, Сотувчи Харидорни вакиллари тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда Газ ташувчининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларини сутканинг исталган вақтида эркин кўздан кечириш учун тўсиқсиз киришини таъминлайди.

Газни ҳисобга олиш приборлари ва/ёки ўлчаш мажмуаларининг ишлаши юзасидан эътирозлар мавжуд бўлса, Харидор ёки Сотувчи метрологик тавсифлар бўйича хулоса бериш ёки навбатдан ташқари текшириш ўтказиш учун “Ўзстандарт” агентлигини жалб қилишга ҳақли.

Метрологик тавсифларда оғишлар бўлмаган тақдирда, “Ўзстандарт” агентлиги хизматлари учун тўлов тегишли равишда ҳисоблагич ва/ёки ўлчов мажмуасининг мулкдори томонидан амалга оширилади.

Маҳсулотни ҳисобга олиш асбоблари ва/ёки ўлчаш тизимларининг ишлаши бўйича бузилишлар мавжуд бўлганда ёки 3.6-бандда келтирилган ҳолатлар аниқланганда, етказиб берилган ойлик маҳсулот ҳажмларига тузатишлар киритилади.

3.9. Сотувчи кейинги ойнинг 5 санасига қадар Газ ташувчи томонидан мазкур шартноманинг 1-иловасида келтирилган газ тақсимлаш станциялари (ГТС) орқали етказиб берилган маҳсулот ҳажмларининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларидан олинган электрон архив маълумот (распечатка) ларини Харидорга олиб беради.

#### **IV. СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

4.1. Харидор мазкур шартнома асосида етказиб берилган маҳсулот учун тўловларни белгиланган муддатларда амалга ошириши шарт.

4.2. Маҳсулот учун нарх Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан 20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ санасида тасдиқланган \_\_\_\_\_-сонли баённомасига мувофиқ ёки Ҳукуматнинг бошқа қарорларида кўрсатилган нархларга мувофиқ белгиланади.

4.3. Харидор жамғариб бориладиган – мақсадли ҳисоб-рақамларига келиб тушадиган пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланган Тартибнинг Иловасида келтирилган пропорцияларда ҳар куни мемориал ордер асосида Сотувчининг маҳсус ҳисоб рақамига йўналтиради, истеъмол қилинган маҳсулот ҳажми учун якуний ҳисоб-китобни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10 санасигача амалга оширади.

4.4. Сотувчи ва Харидор ўртасидаги ҳисоб-китоб ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газ ташувчининг маҳсулотни етказиб бериш-қабул қилиш товар транспорт юк хати далолатномаси асосида Сотувчи билан Харидор ўртасида маҳсулот “Табиий газ олди-сотди далолатномаси” икки нусхада расмийлаштирилади.

Бунда, Далолатнома Газ ташувчининг газ ҳисоблаш прибори кўрсаткичлари, автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари асосида расмийлаштирилган маҳсулотни етказиб бериш-қабул қилиш товар транспорт юк хати далолатномасига асосан расмийлаштирилади.

4.5. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-иш кунига қадар Сотувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун Газ ташувчининг маҳсулот етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасига асосан счет-фактура расмийлаштирилиб, Харидорга тақдим қилинади.

4.6. Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 7-иш кунидан кечиктирмасдан Харидор Сотувчидан ҳисоб-китоб ойи учун маҳсулот сотиш шартномаси бўйича етказиб берилган маҳсулот қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади, имзолайди ҳамда бир нусхасини Сотувчига юборади.

4.7. Харидор Газ ташувчи томонидан етказиб берилган маҳсулот миқдоридан норози бўлган тақдирда далолатномада норозиликнинг асосланган сабабларини кўрсатиш шарти билан, ҳисоб-китоб ойи тугагандан сўнг кейинги ойнинг 10-санасигача бу тўғрисида Сотувчига ёзма хабар беради. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## **V. МАҲСУЛОТ СОТИШНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

5.1 Харидор томонидан қарз тўлов амалга оширилмаган бўлса, Сотувчи Газ ташувчини маҳсулот етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш тўғрисида хабардор қилади.

5.2 Сотувчи Харидор томонидан маҳсулот ҳақи тўланмагани учун белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача маҳсулот беришни камайтириши, тўлиқ узиб қўйишни эса — фақат суд қарорига биноан амалга оширади.

Газ ташувчи томонидан Сотувчининг хабарномасига асосан маҳсулот етказиб бериш камайтирилади ёки тўхтатилади.

## **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Сотувчи қуйидагиларга мажбур:

- Харидорга шартноманинг 1.4-бандида белгиланган ҳажмни таъминлашда;

- маҳсулот етказиб берилишини қисқартириш ёки тўхтатиш тўғрисида ушбу шартноманинг 2.4-банди талабларига кўра Харидорни хабардор қилишга;

- шартномада белгиланган ҳажмлар таъминлаб берилмаган ойда, Харидорга етказилган зарарни қоплашга;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур шартнома доирасида бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

- ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажаришга;

- Харидорни шартномада келишилган шартлар асосида газ билан таъминлашга.

#### 6.2. Сотувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Харидордан шартнома талабларига риоя этишини талаб қилиш;

- сотиб олинган маҳсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

- газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун “Техник жиҳатдан тартибга солиш” Агентлиги, “Ўзнефтгазинспекция”, Газ ташувчи ва Харидор иштирокида комиссия ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур шартнома доирасида бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

#### 6.3. Харидор қуйидагиларга мажбур:

- маҳсулотдан оқилона ва самарали фойдаланишга;

- сотиб олинган маҳсулот учун тўловларни шартномада белгиланган муддатларда тўлашга.

#### 6.4. Харидор қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- Сотувчи томонидан таъминланган маҳсулотнинг ҳажмига ва бошқа параметрларига норози бўлган тақдирда, газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун “Техник жиҳатдан тартибга солиш” Агентлиги, “Ўзнефтгазинспекция” ҳамда Газ ташувчи, Харидор вакиллари иштирокида комиссия ташкил этилишини;

- маҳсулотни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда Газ ташувчи томонидан узатилишини;

- шартнома бекор қилинганда, Сотувчидан олинмаган маҳсулот ҳажми учун тўланган қолдиқ суммасини қайтаришни талаб қилиш;

- маҳсулот таъминоти тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

- қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Сотувчи Харидорга имзоланган шартномага асосан маҳсулот таъминоти тўлиқ ёки шартномавий келишилган ҳажмдан кам миқдорда таъминланмаганлик оқибатида етказилган зарарни қоплайди.

7.2. Маҳсулот шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда етказиб берилган тақдирда, Сотувчига нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) 2.4-бандида назарда тутилган ҳолатлар;
- в) маҳсулот қазиб олувчи, қайта ишловчилар ва импортёрлар қувурларида ва технологик жараёнларидаги авария ҳолатлари.

7.3. Етказиб берилган маҳсулотнинг сифати шартнома ёки шартноманинг 2.1-бандида белгиланган норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Харидор маҳсулотни қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Сотувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима тўлашни, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, Харидор Сотувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.4. Сотувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам миқдорда маҳсулот етказиб берилганда ёки етказиб берилмаганда (7.2-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно), Сотувчи Харидорга муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

7.5. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган маҳсулот ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Харидор муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

7.6. Мазкур шартнома асосида тартибга солинмаган ҳолатлар бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

## **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

8.2. Харидор ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Сотувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Сотувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг

амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## **IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қонунчилик талабларига кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар, талабномани кўриб чиқиш муддати – 15 кун, талабнома олинган кундан бошлаб, келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## **X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР**

10.1. Томонлар уларнинг ҳоҳиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган барча табиий офатлар (зилзила, сув тошқини), шу жумладан пандемия, эпидемия ҳолатлари, уруш эълон қилиниши каби вазиятлар, амалдаги қонунчиликнинг ўзгариши сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавоб бермайди.

10.2. Агар кўрсатилган форс-мажор ҳолатлари мажбуриятларнинг шартномада белгиланган муддатларда бажарилишига таъсир қилса, у ҳолда ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш даврига мутаносиб равишда узайтирилади. Қайси тараф учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни 10 кун мобайнида ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Форс-мажор ҳолатлари 3 ой ёки ундан ортиқ давом этса тарафлар шартнома шартларини бажаришдан қисман ёки тўлиқ озод этиладилар.

## **XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

11.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга кирилади ва 20\_\_ йил 31 декабргача бўлган муддатда амал қилади. Тарафлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида унинг муддати тугашидан 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилмаса, шартнома кейинги йилга узайтирилган деб ҳисобланади.

## **XII. ШАРТНОМАНИНГ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**



12.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва томонлар ўртасида имзоланган бўлиши лозим.

12.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки мазкур шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

а) тарафлардан бири шартномани жиддий равишда бузса;

б) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунлари ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувига бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

### **XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

13.1. Ушбу шартнома шартларида назарда тутилмаган ҳолатлар ва ўзаро келиб чиқадиган низолар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

13.2. Мазкур шартнома имзолангандан кейин тарафлар ўртасида ушбу шартномага тегишли бўлган барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар ҳамда тарафларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

13.3. Мазкур шартномага кейинчалик киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳрлангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

13.4. Ушбу шартнома \_\_\_\_\_ варақдан иборат бўлиб, бир хил юридик кучдаги икки нусхада тузилган ва ҳар бир томонда бир нусхадан сақланади.

13.5. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:**

<p><b>Сотувчи</b> — “ _____ ” <b>АЖ/МЧЖ</b></p> <p>Почта манзили: _____, _____</p> <p>КТУТ коди: _____ ХХТУТ _____</p> <p>Боғланиш телефони: _____</p> <p>Табиий газ учун ҳисоб рақами: _____</p> <p>Пеня учун ҳисоб рақами: _____</p> <p>Банкнинг _____ номи: “ _____ ”</p> <p>ФПМ _____ СТИР _____</p> <p><b>Лавозими:</b> _____</p> <p><b>Ф.И.Ш.</b> _____</p> <p><b>М.Ў.</b></p>	<p><b>Харидор</b> - “ _____ ” <b>АЖ/МЧЖ</b></p> <p>Почта манзили: _____ _____</p> <p>КТУТ коди: _____ ХХТУТ _____</p> <p>Боғланиш телефони: _____</p> <p>Ҳисоб рақами: _____</p> <p>Банкнинг номи: _____ _____</p> <p>ФПМ _____ СТИР _____</p> <p><b>Лавозими:</b> _____</p> <p><b>Ф.И.Ш.</b> _____</p> <p><b>М.Ў.</b></p>
--	--